

“Тасдиқлайман”  
“Янги авлод” МСЗ  
бошқарувчи компанияси МЧЖ  
Бош директор в.в.б.

Харидлар комиссиясининг раиси

 Ф.Ф. Абдусаломов  
«25» 02 2025 й.

Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида жойлашган  
“Янги авлод” маҳсус саноат зонаси ички автомобил йўл-транспорт  
инфратузилмасини барпо этиш ишларига объектнинг лойиҳа-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш учун

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

Тошкент -2025

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар</b>
1	Объектнинг номи	“Янги авлод” махсус саноат зонаси.
2	Қурилиш жойи	Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани.
3	Буюртмачи	“Янги авлод” махсус саноат зонаси бошқарувчи компанияси МЧЖ Тошкент шаҳри, Янги ҳаёт тумани, Викор МФЙ, Спутник 2 дахаси, 25-А-уй ИНН: 311235950 ОКЭД: 70100 Р/С: 20208000107044984001 Банк: “НАЙОТ BANK” АЖ МФО: 01198 ОКРО 33547707 Электрон манзил: <a href="mailto:info@yangiavlodzone.uz">info@yangiavlodzone.uz</a> Тел: +998 93 793 18 58
4	Ишлаб чиқиш учун асослар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 мартағи ПҚ-138-сонли қарори. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 25 апрелдаги 276-14-0-Q/24 - сон қарори.
5	Лойиҳалаш босқичлари.	Бир босқичли ишчи лойиҳа
6	Қурилиш тури	Янги қурилиш
7	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқланади
8	Молиялаштириш манбалари	Ўз маблағлари ҳисобидан.
9	Қурилишнинг тахминий баҳоси (млн. сум)	Лойиҳа смета хужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқланади
10	Объектнинг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари, унумдорлиги, ишлаб чиқариш дастури, шунингдек турар жой ёки умумий бинолар	Махсус саноат зонасининг умумий майдони – 764,5 Га. Режадаги автомобил йўллари Г-26 – 1,9 км., Г-24 – 5,1 км., Г-15 – 21,0 км. (йўлларнинг кенглиги ва умумий узунлигига лойиҳалаш жараёнида аниқлик киритилади). Йўлларнинг тоифаларини белгилаш ва лойиҳалаш ишлари ШНҚ 2.05.02-23 “Автомобиль йўллари. Лойиҳалаш талаблари”, ШНҚ 2.07.06-24 “Шаҳар кўча-йўллари. Лойиҳалаш талаблари” асосида бажарилади. Лойиҳада ер ишлари инобатга олиниши лозим. Мавжуд суғориш канали билан кесишималарда 3 та кўприк қуриш инобатга олинсин (кўприклар сонига лойиҳада аниқлик киритилади). Г-26, Г-24 йўлларда икки томондан 10 м. дан, Г-15 йўлларда 5 м. дан яшил ҳудуд барпо этиш кўзда тутилсин. Лойиҳада ШНҚ 2.07.01 – 23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш» талаблари асосида бажарилсин.
11	Объектни технологик жиҳозлаш.	Йўл инфратузилмаси, ҳаракат хавфсизлиги, кўча ёритиш тизими жиҳоз ва ускуналарига лойиҳалаш жараёнида аниқлик киритилади.
12	Ободонлаштиришдаги иш турлари ва дарахтлар экиш	Дарахтларнинг иқлимга ва ҳудудга мослиги, сувсизликка чидамлилиги, кўп йилликлиги бўйича наъмунавий ечимлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Йўлларга бириккан ҳудудларда яшил майдонлар

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар</b>
		ташкил этиш ва сугориш тизимини яратиш инобатга олинсин.
13	Пиёда йўлакларининг ўлчовлари ва турлари	Сифатли, камхарж, ихчам ва арzon материалларни кўллаш инобатга олинсин. Велосипед ва пиёдалар йўлакларини қуриш 2.07.06-24 “Шаҳар кўчайўллари. Лойиҳалаш талаблари” 2-илова, 1-жадвалга асосан қабул қилинсин ва наъмунавий ечимлар ишлаб чиқилсин.
14	Конструктив ечимларга, юк кўтариб турувчи ва ташки химоя конструкцияларга ва уларнинг материалларига қўйиладиган асосий талаблар	Лойиҳаланаётган худуд саноат зонаси эканлигини инобатга олган ҳолда автомобилнинг энг кўп юклangan якка ўқидаги оғирлик 130 кН (13 тс) учун йўл тўшамаси конструкцияси ҳисоблансан, ички автомобиль йўлларининг йўл тўшамаси конструкциялари ва андозавий кўндаланг кесимлари тегишли идоралар билан келишилсин. Қоплама тури - Асфальтобетон (мукаммал).
15	Муҳандислик ва технологик асбоб-ускуналарга, технологик жиҳозларга қўйиладиган талаблар	1:1000 нисбатдаги топографик харита ва муҳандислик геологиясининг (талабга кўра) хulosасига асосан. Ички автомобиль йўли ва кўприкни кесиб ўтувчи ва яқин жойдаги коммуникация тармоқларига уланиш тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳолда амалга оширилсин. Буюртмачи томонидан берилган дастлабки муҳандислик қидирув ишлари материаллари маълумотлари ички автомобиль йўлларини лойиҳалаш учун етарли бўлмаган ҳолларда муҳандислик геология ва геодезия ишларини амалга ошириш кўзда тутилсин (сунъий иншоотлар, кўприклар кесимида). Муҳандислик геология ва геодезия ишлари замонавий асбоб ускуналар ёрдамида амалга оширилсин.
16	Лойиҳалаштириш учун буюртмачи томонидан тақдим этиладиган дастлабки маълумотлар таркиби	Лойиҳалаштириш учун буюртмачи томонидан тақдим этиладиган дастлабки маълумотлар таркиби: - Объектнинг бош режаси. - АРТ – 1 қисми. - 1:1000 нисбатдаги топографик харита. Геологик ва геодезик қидирув ишлари зарур бўлганда лойиҳачи томонидан бажарилади.
17	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлаш бўйича талаблар	Лойиҳада дараҳтларни асраб қолиш чоралари кўрилсин ва янги турдаги дараҳтларни асосий режага киритилсин. Лойиҳа-смета ҳужжатлари атроф-муҳитга таъсири баённомаси (АМТБ) лойиҳасига асосан ишлаб чиқилсин.
18	Смета ҳужжатларини ишлаб чиқишига талаблар	Нархлар жорий қийматларда, ШНҚ 4.01.16 – 09 талаблари асосида белгилсин. Қурилишнинг жорий нархлардаги дастлабки қиймати лойиҳа ташкилоти томонидан аниқланади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари икки босқичга бўлинган ҳолда ишчи лойиҳа тўлиқ ишлаб чиқилсин. Смета ҳужжатлари ҳар бир босқич учун алоҳида ишлаб

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар</b>
		чиқилсин. Смета ҳужжатлари жорий йил кварталга қараб кайта боҳоланади.
19	Лойиҳалаштирилаётган объект таркиби	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ички автомобил йўллари;</li> <li>- Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил қилиш белги ва қурилмалари;</li> <li>- Велосипед ва пиёдалар йўлаклари;</li> <li>- Яшил ҳудудлар ва сугориш тизими;</li> <li>- Кўча ёритиш чироқлари тизими;</li> <li>- Ёмғир сувлари дренаж тизими (экология ва атороф мухитни ҳимоя қилиш талаблари асосида зарурат бўлгандა тозалаш иншооти кўзда тутилсин);</li> <li>- Кўприклар;</li> </ul> <p>Йўл тўшамаси конструкциясини лойиҳалашда амалдаги меъёр талабларига асосланган ҳолда замонавий йўл қурилиш материалларидан фойдаланиш инобатга олинсин. Сунъний иншоотлар ШНҚ 2.05.03 – 22 “Кўприклар ва қувурлар” талаблари асосида лойиҳалансин.</p>
20	Қабул қилинадиган лойиҳа ечимларида энергия самарадорликни таъминлаш бўйича талаблар	<p>Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил июндаги 161 сонли қарори,</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ – 2343 сонли қарори,</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори,</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил октябрдаги ПҚ – 3981 сонли қарори бажарилиши, ҳамда 2 – даражали энергия самарадорликни таъминлаш бўйича чора – тадбирларни назарда тутиш ва объектлар энергия ресурсларини ўлчаш мосламалари билан жиҳозлаш кўзда тутилсин.</p>
21	Фавқулодда вазиятларда огохлантириш ва фукаро муҳофазаси бўйича ишлаб чиқиладиган техник-муҳандислик чора-тадбирларга қўйиладиган талаблар	Ишчи лойиҳада йўллар ва кўприклар режаси Фавқулотда вазиятлар бошқармаси билан келишилсин.
22	Аҳолининг ногиронлиги бўлган ва кам ҳаракатланувчи гурухлари ҳаёти ва фаолияти шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	Лойиҳа-смета ҳужжатлари имконияти чекланган одамлар учун тўсиқсиз қуладай ҳаракатланиш имкониятлари назарда тутилган ҳолда ШНҚ 2.07.02 – 22 талабларига асосан ишлаб чиқилсин.
23	Курилиш мўлжалланган муддатлар	2025-2026 йиллар.
24	Лойиҳалаштириш ва курилишни ўзига хос шартлари	Объектнинг мураккаблик тоифаси - III (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2023 йилдаги 619 - сонли қарорига асосан).
25	Курилишда муаллифлик назорати	Муаллифлик назорати лойиҳа ташкилоти томонидан олиб борилади. Курилиш обьектини муҳандислик бошқариш ва техник назорат ишлари буюртмачи томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.
26	Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича талаблар	Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат идоралари билан келишиш лойиҳачи томонидан бажарилади, давлат экспертиза ташкилотига тақдим этиш ва экспертиза

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар</b>
		ҳаражатларини тўлаш буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади. Экспертиза натижаларига кўра аниқланган камчиликлар лойиҳачи томонидан бартараф этилади.
27	Тақдим этиладиган лойиҳа-смета хужжатларининг нусхалари сони, бўлимларининг таркиби ва мазмунига бўлган талаблар	Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Экспертизанинг ижобий хуносаси олингандан сўнг ишчи лойиҳа З нусхада ва электрон шаклда (PDF форматда) рус тилида расмийлаштирилиб, амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига тақдим қилинади.

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

Курилиш ишлари ва коммунал хизматларни мувофиқлаштириш департаменти  
ишлаб чиқариш мухандиси

Ё. Тиллабоев

### **ХАРИД ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН КЕЛИШУВ:**

Маъмурий масалалар бўйича бўлим бошлиги.  
Харидлар комиссияси раиси ўринbosари

A. Муродов

Юридик бўлим бошлиги

Б. Таджиддинов

Курилиш ишлари ва коммунал хизматларни мувофиқлаштириш департаменти  
директори

К. Каримов

Курилиш ишлари ва коммунал хизматларни мувофиқлаштириш департаменти  
ишлаб чиқариш мухандиси

У. Адхамов

Бош ҳисобчи. Бухгалтерия ва молия  
ҳисботи бўлими бошлиги

Г. Тургунбоева